

O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi jurnali



2017-yil, iyun, № 2 (10)

O'zbekiston armiyasi



МУНДАРИЖА

DUNYO VA O‘ZBEKISTON

*Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик
ва диний бағрикенглик* 4-7

Марказий Осиё – ягона организм 26-29

ISTIQLOL QALQONI

*Қўшинлар фаолиятига
қисқа бир назар* 8-11

*Қўшинларни тайёрлашга
янгича ёндашув* 12-13

*Давлатимиз хавфсизлиги
ҳимоясида* 16-17

Метин қалқонлар 22-25

Ўзбекистон чегаралари дахлсиз 30-31

TAHDID

*Осиё Тинч океани минтақасидаги
ҳарбий сиёсат* 18-21

*Дунёни оловдан асра,
эй, одам!* 32-36

Тараққиёт кушандаси 42-43

TA'LIM

*Профессионал ҳарбий кадрлар –
хавфсизлигимиз кафолати* 37-38

Стресс ва унинг профилактикаси 39-41

ARMIYA VA YOSHLAR

*Ватанга садоқат – юракдаги
улуғвор туйғу* 14-15

Тамал тоши мустаҳкам бўлса 46-47

IJTIMOIIY HIMOYA

Юрт обод – ҳаёт фаровон 44-45

TARIX

*Абдуллахон: китоб,
илм ва ҳукмдор* 48-53

XORIJ ARMIYASI

*Италияда офицер
кадрларни тайёрлаш* 54-55

SPORT

*Решающий вклад армейцев в
рекорд чемпионатов Азии* 56-57

Всегда впереди, всегда с победой 58



ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК



Хар қандай ҳокимият, жумладан, демократик жамиятлардаги давлат ҳокимияти ҳам ҳеч бир муаммоларсиз фаолият кўрсатмайди. Шу боис, давлат ҳокимиятининг барча органлари самарали ташкил этилишининг мураккаб жиҳатлари-ю жамиятдаги мавжуд ютуқ ва долзарб муаммоларни теран таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган, бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишга қаратилган — Конституция, конституциявий қонун, жорий қонун, фармон ва бошқа ҳуқуқий актлар кўринишидаги давлат сиёсатигина унинг халқчиллиги, қонунийлиги ва узоқ муддат барқарор ривожланишини таъминлай олади.

**Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва
хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси,
юримдик фанлари номзоди**

Мамлакатимизни барқарор ривожлантиришнинг йўл харитаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларини белгилаб берган тарихий ҳужжат бўлди.

Мазкур Фармон билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётимизнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ устувор йўналишларни амалга оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳаракатлар стратегиясидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида илгари сурилган ва халқимиз кенг қўллаб-қувватлаган устувор йўналишлар ўрин олган.

Мазкур ҳужжатда давлатимиз раҳбарининг кенг жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, оддий одамлар билан ўтказган кўплаб учрашув ва мулоқотлари чоғида билдирилган юртимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари ўз ифодасини топган.

Бу вазифалар мамлакатимизни яқин беш йил ва ундан кейинги даврда барқарор ривожлантиришнинг йўл харитаси бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясини, ҳеч муболағасиз, мамлакатимизнинг яқин 5 йиллик келажагини белгиловчи, бутун халқимизнинг иродасини ифода этган муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ҳужжат, деб алоҳида эътироф этиш лозим.

Аввало, ушбу Стратегия “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да қабул қилингани бежиз эмас. Унда халқимизнинг порлоқ истиқболи ҳамда тараққиётининг устувор йўналишлари қамраб олинган.

Иккинчидан, ҳужжатда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўли чуқур таҳлил этилган ҳолда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича стратегик ёндашув ва тамойиллар ўз аксини топган.

Учинчидан, умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган мазкур муҳим ҳужжат қабул қилинишида аҳоли кенг қатлами, чунончи, қонун ижодкорлари, олимлар ва амалиётчи мутахассислар ҳамда чет эллик экспертлар иштирокида қизгин муҳокамалар олиб борилди, юртдошларимиздан кўплаб фикр ва таклифлар келиб тушди. Оммавий ахборот воситалари, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотларнинг, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хорижий инвесторлар вакилларининг фикрлари ўрганилди.

Тўртинчидан, Ҳаракатлар стратегиясида дунёнинг турли нуқталарида тинчлик ва осойишталикка таҳдидлар кучайиб, мазкур масала ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб турган бир пайтда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўналишига алоҳида эътибор қаратилгани эътирофга сазовор.

Ислохотларни амалга оширишда босқичма-босқичлик тамойили

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги даврда ҳар бир соҳада демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўлидан бормоқда. Мамлакатимиз тоталитар тузумдан воз кечиб, фуқаролик жамияти сари дадил интилмоқда. Танлов йўли ҳаётда ўз ижобий натижаларини бермоқда. Бундай вазиятда яратилаётган қонунчиликнинг ўзи, бир томондан, ислохот, янгиланиш объек-

ти бўлса, иккинчи томондан, демократик ислохотларга ҳуқуқий пойдевор, фуқаролар тинчлиги, фаровонлиги ва миллий тотувликка қафолат бермоқда.

Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг изчиллигини, босқичма-босқичлигини Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган қонун ҳужжатлари ва чоратадбирлар орқали идрок этиш мумкин.

Бугунги кунда ҳам Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизнинг шиддат билан ривожланишини, ислохотларнинг оптимал равишда амалга оширилишини таъминламоқда. Айни пайтда “ўзбек модели” дея жаҳонда кенг эътироф этилган тараққиёт йўлимизнинг муҳим устувор қоидаси бўлмиш босқичма-босқичлик тамойилига тўлиқ амал қилинмоқда. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясини изчиллик билан беш босқичда амалга ошириш назарда тутилган бўлиб, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ, ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланади.

Ҳаракатлар стратегиясини жорий йилда амалга оширишга оид “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури тасдиқланди. Бешта муҳим устувор йўналишни қамраб олган Давлат дастурида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш ва амалий ташқи сиёсат юритишга доир вазифалар белгилаб қўйилди.

Мазкур йўналишлар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ. Хусусан, қонун устуворлигини таъминламасдан иқтисодиётни эркинлаштириш ва рақобатни кучайтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш мураккаб масала ҳисобланади. Тинчлик ва хавфсизликни таъминламасдан эса барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Айнан шунинг учун ҳам, шубҳасиз, бугунги кунда ўз олдига адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадини қўйган мамлакатимизда босқичма-босқич, изчиллик билан халқ иродасини рўёбга чиқариш, уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва ривожлантириш борасидаги ислохотлар сифат жиҳатидан янада юқори поғонага кўтарилмоқда.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни ҳолисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш орқали ишлаб чиқилган мазкур Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда

Агар бутун халқимиз – оддий фуқародан, то юқори мансабдор шахсларгача бир ёқадан бош чиқариб, миллий суверенитетимизни мустаҳкамлаш, иқтисодийтимизни янада ривожлантириш ишларига ўз салоҳиятимизни сафарбар этсак, тез орада юртимизнинг нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда янада обрўси юксалишига, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлашга ҳисса қўшамиз.

Аслида ҳам ҳар бир фуқаро Ватан манфаатини ҳимоя қилиш, унинг қудратини ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўриши лозим. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад – давлат мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши – тинч ва тотув ҳаётимизнинг пойдевори

Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” деб номланган бешинчи йўналиши доирасида давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, ён-атрофда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга оид муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принциплари ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Ўтган давр ичида мамлакатимизда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясига асосланиб, Марказий Осиё минтақасида тез суръатлар

билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, юзага келаётган таҳдид ва хатарларнинг ҳар томонлама чуқур таҳлили ва Қуролли Кучларни барпо этишнинг мутлақо янги принциплари негизида армиямизни ислоҳ қилиш бўйича узок муддатга мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Ушбу Дастурга мувофиқ, чегаравий минтақалар, ҳарбий округлар тузилди. Мудофаа вазирлигининг қисм ва бўлинмаларини, чегара кўшинларини, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона, кучли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларнинг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди, уларнинг ўзаро уйғун ҳаракатини таъминлайдиган ва мувофиқлаштирадиган яхлит тизим шакллантирилди. Аммо ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис, Ҳаракатлар стратегиясида замонавий таҳдидларни чуқур таҳлил қилган ҳолда мазкур йўналишдаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш вазифаси кун тартибига қўйилмоқда.

Мазкур йўналиш доирасида мамлакатимиз конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиясининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек, Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ҳозирги вақтда жаҳонда ва минтақамизда ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгариб, миллий ва глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган шароитда бу борада эришган барча ютуқларимизни, шу билан бирга, йўл қўйган камчиликларимизни чуқур ва танқидий таҳлил қилиш асосида миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида белгилаб берилган аниқ вазифаларни амалга ошириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 126-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонунида (янги таҳрири) Ўзбекистонда мудофаани ташкил этишнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Қуrolли Кучлар ўз фаолиятини қонун устунлиги, марказлашган раҳбарлик ва яккабошчилик, жанговар ва сафарбарлик борасида доимий шайлик ҳамда ҳарбий интизомга риоя этиш асосида куради ва амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари курилишининг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш, қўшинларни тайёрлаш борасидаги тадбирларни режалаштиришга оид янгича ёндашувни ишлаб чиқиш, барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, қўшинларни замонавий қуrol-яроғ ва ҳарбий техника билан қайта таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз ишларни давом эттириш шулар жумласидандир.

Давлат дастурининг ушбу бешинчи йўналишида мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуrolли Кучлар ҳарбий кудрати ва ҳарбий тайёргарлик даражасини оширишга қаратилган Комплекс чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш белгиланган бўлиб, унда:

мамлакат ҳарбий хавфсизлигини, Қуrolли Кучлар жанговар тайёргарлиги ва жанговар қобилияти ҳолатини, кадрлар тайёрлаш тизимини, ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама таъминлаш соҳасидаги концептуал ҳужжатларни таҳлил қилиш;

янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси ва Мудофаа доктринаси лойиҳаларини тайёрлаш;

хизматни ўташ тартибини такомиллаштиришни, қўшинлар таъминотини, уй-жой ва тиббий таъминот масалаларини назарда тутувчи “Ҳарбий хизматни, ички ишлар органларида, божхона органларида хизматни ўтаган шахсларнинг ҳамда улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларини мамлакат ҳудудий дахлсизлигини таъминлаш учун энг зарур бўлган замонавий қуrol-яроғ ва ҳарбий техника турлари билан жиҳозлашнинг аниқ чора-тадбирлар мажмуини назарда тутувчи алоҳида дастур қабул қилиш ҳам белгиланган.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналишида хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Мамлакат Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш, жумладан, мамлакатга инвестицияларни жалб этиш ва унинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича вазифаларини кучайтириш, Ўзбекистоннинг чет элдаги муассасалари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, хорижий мамлакатлар билан ҳуқуқатлараро алоқаларнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси дипломатик хизмати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонунларни, Ўзбекистон Республикаси консуллик уставини (янги таҳрири), шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тўғрисида»ги янги таҳрирдаги низомни қабул қилиш назарда тутилган.

Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган улкан сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган “Ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон тараққиёти йўлида халқимиз амалга ошираётган ислоҳотларнинг сифат жиҳатидан – янги ва жўшқин, кўлам жиҳатидан – кенг ва қамровдор, халқимиз манфаатларини таъминлаш бўйича юксак натижадорлиги нуқтаи назаридан эса бекиёс даражада баракали босқичини бошлаб берди. Бу стратегик ҳужжат юртимизда юз бераётган ўзгаришларга тамомила янгича нигоҳ билан қараш, эришилган муваффақиятларни янада чуқурроқ англаб этишнинг ўзига хос юксак мезони, демакдир.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши мамлакатимизда ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, она диёримизнинг энг ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олишига хизмат қилади.



ҚЎШИНЛАР ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚА БИР НАЗАР

Майор Фурқат ЭРГАШЕВ

Бир минг тўққиз юз тўқсон биринчи, тўқсон иккинчи йилларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган бир танишимнинг ҳикоя килишича, аскарлар ўша йилларда ҳарбий машқлардан эмас, балки руҳий ва жисмоний кийноқлардан азоб чекишаркан. Армия худди жазони ижро этиш колониясига ўхшар, ўзини тутиб олганлар мавжуд ҳарбий техника воситаларини, ҳарбий мулкни талон-торож килишарди, дейди у.

Икки минг ўн учинчи йил истеъфога чиққан подполковник Мўминжон Носиров шундай эслайди: “1992 йил кадрлар жуда танқис эди. Бир офицер бир нечта лавозим вазибаларини бажаришга мажбур эди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. “Биз кетсак, ҳали кўрасан, кўрадиганингни”, деган эди бирови. Мен, ҳаммасини вақт кўрсатади, дедим. У кўп ўтмай юртига қайтиб кетди. Бирок айтганидек бўлмади. Биз бирлашдик, машаққатларни енгиб ўтдик”.

Орадан йигирма беш йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Миллий армиямиз ташкил этилган биринчи йилда армиядаги ҳолатни кўриб, кўпчилик назарига илмаган Ўзбекистон Қуролли Қучлари бугун Марказий Осиёдаги энг кучли армия дея эътироф этиляпти. Ўша вақтда ёшларнинг аксарияти ҳарбий хизматга бормаслик пайида эди,

ҳозир эса бутунлай акси. Хўш, бунга қандай эришилди?

Жавоб оддий. Ўзбекона ҳаёт тарзи билан, яъни вазминлик, чуқур мушоҳада ва сабр билан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қуролли Қучларимиз ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида шундай дейди: “Мустақилликнинг илк йилларида барча соҳалар каби ҳарбий йўналишда ҳам кўплаб оғир муаммолар тўпланиб қолган эди. Аввало, қўшинларнинг моддий-техник таъминот тизими талаб даражасида эмас эди. Ҳарбий тузилмалар ўзининг қурилиши ва жанговар таркиби бўйича янги пайдо бўлган таҳдидлар олдида заиф эди. Энг мушкул муаммо – малакали ҳарбий кадрлар етишмасди. Шунинг учун миллий армиямизни барпо этиш ва ислоҳ қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилди”.

Бугунги кунда қўшин турларининг қўлланилиш тактикаси ва стратегияси янада такомиллаштирилиб, уларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш, жанговар ҳаракатлар ва операцияларни авиация ва артиллерия имкониятларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда олиб боришнинг замонавий тажрибаси чуқур ўрганилмоқда. Илмий-амалий изланишлар олиб бориляпти.

Жанговар шароитларга максимал даражада якинлаштирилган ҳолда ташкил этилаётган гуруҳ, взвод ва батальон тактик ўқувларида шахсий таркибнинг яшовчанлигини ошириш, топшириқларни минимал йўқотишлар билан бажариш, курул-яроғ ва ҳарбий техниканинг энг янги намуналарини қўллаш, авиация ёрдамида умумқўшин бўлинмаларига мадад бериш, шахсий таркибни ва моддий воситаларни ташиш каби машқлар шулар жумласига киради. Ўзбекистон Республикасининг ўтиш қийин бўлган тоғли ва чўл ҳудудларида ўтказилаётган ҳамкорликдаги ўқувлар ва манёврлар, шаҳар шароитларидаги махсус операциялар, бўлинмаларни эвакуация қилиш, жанговар вазифаларни бажариш ҳудудларидан тезкор равишда олиб чиқиш ва навбатдаги қўлланилиши учун қисқа вақт ичида уларнинг жанговар қобилиятини тиклаш борасидаги машқлар жанговар тайёргарликнинг асосини ташкил қилмоқда.

Амалиётнинг мустаҳкам бўлиши аввало таъминотга, мутахассис кадрларнинг билими ва кўникмасига боғлиқ. Табиийки, бу борада бугунги ҳолат қандай, деган савол туғилади. Шу каби саволларга мутасаддилардан қуйидаги жавобларни олдик.

Мудофаа вазирлиги кўшинларида бошқарув органларининг оператив тайёргарлиги мобайнида қўмондонлик-штаб, махсус-тактик штаб машқлари, тадқиқот ишлари ва шу каби тадбирлар Махсус моделлаштириш ва симуляция марказидаги симуляция дастурлари ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу борада ҳозирги кунда Мудофаа вазирлиги марказий аппарати ва округ қўмондонлиги томонидан қуйидаги тадбирлар:

моделлаштириш ва симуляция дастурлари ёрдамида юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни нейтраллаштиришга кодир ҳарбий округлар жанговар таркибининг янги қиёфасини яратиш бўйича тадқиқот ишлари;

Тошкент ҳарбий округининг Чирчиқ ўқув майдонида бошқарув органларини ахборот технологияларига асосланган замонавий усуллар билан ўқитиш учун дала-ўқув моддий базасини яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, кўшинлар замонавий ва модернизация килинган ўқотар ва оғир куруллар, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари, автомобиль ва зирҳли техника, махсус ҳарбий аслаҳалар, кийим-бошлар, кузатув ва алоқа воситалари, муҳандислик жиҳозлари билан таъминланмоқда.



Ҳарбий ҳаво кучлари авиация паркиннинг ўнлаб авиатехникаси, аэродром ва радиотехник таъминот воситалари, яъни радиолокацион қўниш тизимлари таъмирланди, модернизация қилинди. Ўзбекистон Республикасининг ривожланган давлатлар ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик дастури доирасида энг янги русумдаги транспорт самолётлари, «Eurokopter» русумли жанговар вертолётлар сотиб олинди. Франция Қуролли Кучларининг муҳандис-авиацион таъминотни ташкил қилиш ва авиация техникасини таъмирлаш тажрибасини ўрганиш мақсадида «Airbus Helicopters» компанияси билан ҳамкорлик, замонавий жанговар техникадан фойдаланиш бўйича қайта ўқиш доирасида кўплаб мутахассисларнинг Франция, АҚШ, Бельгия, Италия, Россия каби хориж давлатларида таълим олиши йўлга қўйилди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўшинларининг аэродроми негизи-

да МиГ-29 қирувчи ва Су-25 ҳужумкор самолётлари билан қуролланган бирлашган авиация бўлинмасини тузиш жанговар авиациянинг самарали бошқарилишини таъминлади ва шу билан бирга, Ҳарбий ҳаво кучларининг зарба бериш қобилиятини янада оширди. Қирувчи ва ҳужумкор авиациянинг самолёт паркани ўз вақтида тиклаш бўйича муҳим қарор қабул қилинди.

Белгиланган дастурга мувофиқ, 2017 йилнинг март ойида Су-25 ва МиГ-29 самолётлари таъмирлаш учун Россияга юборилди. Бу самолётлар қирувчи авиация учувчилари тайёргарлигини тўла ва мукамал таъминлайди, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ҳаво сарҳадларини ишончли ҳимоя қилишга замин яратади.

Мудофаа вазирлиги қўшинларини қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва алоқа воситаларининг замонавий турлари билан таъминлаш ишлари жорий йилда янги босқичга кўтарилди.



Миллий армиямизни барпо этиш ва ислоҳ қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилди.

Жумладан, давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий-бошқарув органлари, кўшинлар бирлашмаларини ҳаво орқали ҳимоя қилиш учун бир неча йўналишда ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари замонавий FD-2000 русумли зенит ракета мажмуалари билан қуролланиши бўйича қарор қабул қилинди. Бундай зенит-ракета мажмуалари замонавий ҳарбий низоларда мамлакатимиз ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими барқарорлигини таъминлайди.

Илғор алоқа технологиялари соҳасидаги ютуқлардан фойдаланган ҳолда HAYTERA фирмасидан замонавий радиостанциялар харид қилинди. Бу ўз навбатида тактик поғонадаги эски радиостанцияларни алмаштириш имкониятини яратди ва алоқа сифатини яхшилади.

Қурол-аслаҳаларни таъмирлаш заводи мутахассислари томонидан тунги оптик нишонга олиш мосламаси модернизация қилинди ва унга учинчи авлод электрон-оптик ўзгартиргичи

ўрнатилди. Бу нишонга олиш мосламаси техник тавсифларини оширишга, жумладан, туннинг табиий ёруғлигида пиёдаларни 600 метр, ҳарбий техникаларни 1000 метр масофагача кузатишни таъминлайди.

Зирҳли танк таъмирлаш заводи базасида ёнғинга қарши зирҳланган машина ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари омборлари ҳамда жанговар техникаларни сақлаш жойларида шахсий таркибни парчаланувчи-фугасли шикастланиш хавфи билан боғлиқ бўлган ёнғинларни бартараф этишга мўлжалланган машинанинг зирҳи 5,45 мм.дан 12,7 мм.гача ўқлар ва турли снарядлар портлашидан ҳосил бўлган парчалардан ҳимоялайди, шахсий таркибнинг ҳаёти ва соғлигини сақлашни таъминлайди.

Кун сайин ортиб бораётган ахборот алмашинувидаги эҳтиёжлар ва талабларни қондириш, турли кўринишдаги ахборот алмашинувини таъминлаш, видеотасвирни, чизма маълумотларни узатиш ва қабул қилиш мақсадида Мудофаа вазирлиги бўлинмалари томонидан янги тизим яратилди ва ҳозирги кунда вазирлик кўшинларида муваффақиятли қўлланилмоқда.

Истикболда радиоалоқа тизимини ривожлантириш ва эски аналогли қурилмаларни алмаштириш мақсадида юқори ўтувчан замонавий кўмондонлик-штаб машинаси яратилди. Унинг жиҳозланишида замонавий рақамли алоқа воситаларидан фойдаланилди. Кўмондонлик-штаб машинаси тактик, оператив-тактик ва стратегик бошқарув бўғинларида ишлаш имконига эга бўлиб, ҳаракатда ва турган жойда командир ва алоҳида ҳарбий хизматчи орасидаги маълумотларни узатишнинг тезкор, аниқ ва ҳимояланган режимини таъминлайди.

“Ўзбек армиясининг замонавий жангчиси” ҳарбий кийимининг турлари ва анжомларини такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун бир қатор муассасалараро кенгашлар ўтказилди ва концептуал қарорлар ишлаб чиқилди.

Бу ёзувларда Мудофаа вазирлиги кўшинларида амалга оширилаётган ишларга қисқа бир назар ташладик. Ҳарбий соҳадаги ўзгаришларнинг барчаси қамраб олинмаган бўлса-да, маълумотлар мамлакатимизда соҳани ривожлантириш, соддароқ айтидиган бўлсак, Ўзбекистон мустақиллигини, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун илк йиллардаги каби вазминлик, чуқур мушоҳада ва сабр билан жиддий саъйи ҳаракатлар давом этаётганлигини кўрсатади.

Бироқ бу билан хотиржамликка берилиш керак эмас, дейди Мудофаа вазирлигининг мутасадди офицерлари.





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3705> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3705> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3705>